XALQ DEPUTATLARI QO`RG`ONTEPA TUMAN KENGASHI

QARORI

170322 Qo`rg`ontepa tumani Andijon ko`chasi 1-uy tel: 74-723-32-78

2023 - yil 13 - aprel VI-56-44-1-23-K/23 Qo‘rg‘ontepa tumani hokimligi

Қўрғонтепа туманидаги 10 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини янги ташкил этилаётган “Қорасув шаҳар” таркибига ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Қўрғонтепа туманидаги “Мустақилликнинг 15 йиллиги”, “Мустақиллик”, “З.М.Бобур”, “А.Яссавий”, “Юксалиш”, “М.Улуғбек”, “А.Темур”, “Пахтачи”, “Уч тегирмон” ва “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномаларини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24 моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Қўрғонтепа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қўрғонтепа туманидаги “Мустақилликнинг 15 йиллиги”, “Мустақиллик”, “З.М.Бобур”, “А.Яссавий”, “Юксалиш”, “М.Улуғбек”, “А.Темур”, “Пахтачи” , “Уч тегирмон” ва “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномалари инобатга олинсин.

2. Қўрғонтепа туманидаги 10 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари янги ташкил этилаётган **“Қорасув шаҳар”** таркибига ўтказишга розилик берилсин.

3. Мазкур Кенгаш қарори тасдиғи Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидан сўралсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида

маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ мазкур маҳалла фуқаролар йиғинларини янги ташкил этилаётган **“Қорасув шаҳар”** таркибига ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилигини олиш мақсадида вилоят ҳокимлигига таклиф киритилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Қўрғонтепа туман Кенгашининг “Регламент ва Депутатлик одоби” масалалари доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Э.Набижанов**